

Ислом КАРИМОВ:

Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчилигига, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор.

(Боши 1-бетда)

Кам таъминланган оилаларга эса 1 миллион 700 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Сирдарётелеком» хиссадорлик жамияти маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси ҳамкорликда амалга оширган хайрли ишларни ҳам бошқаларга намуна қилиб кўрсатсак бўлади.

«Фукараларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишловчи аёлларга 53, эркекларга эса 58 ёшга киргандан эътиборан Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган миқдордан 2 баробар кўп маблағ ўтказиб борилаёпти. Серфарзанд 92 та оила бекаларига салкам 1 миллион 360 минг сўмлик хомийлик ёрдами берилди. Бундай ибратли ишлар Ижтимоий ҳимоя йилда давом эттирилмоқда.

Ойлик иш ҳақини ўз вақтида олмаган оилادا барака ҳам бўлмайди. Баракали маош эса ҳимоянинг ишончли воситаси. Умуман олганда, иш бевуқчаларга 22 та расмий талабномалар тақдим этилди. Натижада 232 миллион 19,5 минг сўм иш ҳақи ундирилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идораларига 17 марта мурожаат қилинди ва уларнинг ёрдамида 107 миллион 209 минг сўмлик иш ҳақи ундириб олинди.

Кўрилган чоралар туфайли 2006 йил 1 январьдан иш ҳақидан қарздорлики 2 баравар қисқартиришга эришилди. Ижтимоий ҳимоя йилида эса бу борадаги фаоллигимизни ошириб бораёلمиз.

Ижтимоий ҳимоя ходимларнинг

ишлаб чиқаришдаги меҳнат муҳофазасини ҳам ўз ичига олади. Очиғини айтганда, Ҳомийлар ва шифокорлар йили касаба уюшмалари фаолиятининг кучли ва заиф томонларини ҳам аниқлаб олишга замин яратди десак, хато қилмаймиз. Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайгани бизда жиддий ташвиш туғдираётди, албатта.

Ахир, ҳар бир ҳодиса ортда оддий инсон эмас, яратувчи — бунёдкор одам тақдирини ётибди,

ҳатланганлар сони 2 тага кўпайган. Шулардан 14 таси агросаноат, 6 таси эса тадбиркорлик субъектларига тўғри келади. Биргина Янгийер шаҳар «Сувоқа» корхонасининг ўзида 6 нафар ишчи воқеа жойида оламдан кўчи юмган. Демак, айни шу тармоқларда қаттиқ ишлашимиз зарур.

Айниқса, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари масъулиятини янада оширишга тўғри келади. «Касаба уюшма кўмитаси

бўлмаслиги керак. Ҳаётий тажриба кўрсатиб турибдики, касабаси уюшма иши айбдорни эслабди. Одамларга кўринадиган устки қисми меҳнат ахли ва фарзандларини соғломлаштириш учун йўланмалар бериш бўлса, кўринмайди қисми мураккаб ташкилотчилик фаолиятидир. Ўтган йилда салкам минг киши саломатлигини тиклаб, яна ишлаб чиқаришга қайтди. 3146 нафар бола эса оромгоҳларда дам олдирилди. Мазкур максادلарга

ошираётган ишларимиз чакки бўлмайпти. Фикримизни тасдиқлаш учун мисоллар келтиришимиз керак. Жамоат шартномалари ва келишувлари орқали иқтисодий ноҳор, 200 дан зиёд серфарзанд оилаларга, 832 нафар иккинчи жаҳон уруши ва Мирзачўлни ўзлаштирган меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга 5 миллион 105,2 минг сўм сарфланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаб олганмиз. Унга кўра ногиронлар ва ўзгалар парварошига муҳтож қариялардан 796 нафар қишига Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди. «Меҳрибонлик уйи», «Саховат» ва «Муруват» уйлари-нинг ходимлари ва парварошига муҳтож доимий миждозлари ҳам диққатимиз марказида турибди. Амалдаги йилнинг 1 июнигача вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси томонидан 253 нафар, шу жумладан, 4 нафар байналмилалчи жангчилар, 6 нафар Чернобил фожеаси оқибатларини тугатиш қатнашчиларига Республика касаба уюшмаларига қарашли сирхатгоҳларда саломатлигини тиклаш учун бепул йўланмалар берилди.

Жамоат шартномалари ва келишувлари орқали корхона ва ташкилотларнинг касабаси уюшма кўмиталари ёрдамида 174 нафар кишининг соғлиғи тикланди ва уларнинг барчаси қайноқ меҳнат бағрига қайтарилди.

Камолитдин ОКЎБЎТАЕВ, Сирдарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси

НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ, ВАЗИФАЛАР АНИҚ

қолаверса, унинг оила аъзолари тақдирини турибди. Тасаввур қилиб кўринг: бахтсиз ҳодиса оқибатида оила боқувчисиз қолди, фарзандлари тақдирини нима бўлади?

Шунинг учун ишлаб чиқаришда меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда ўқувлар ўтказиш, техника ҳавфсизлиги бўйича мутахассислар масъулияти юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш Ижтимоий ҳимоя йилида фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Аянчлисиз, бултўр ўлим билан тугаган ҳодисалар 5 тага, жаро-

қанча кучли бўлса, ижтимоий ҳимоя ҳам шунчалик жорий бўлади» деган шир жорий йилда асосий дастуриламаларимиз бўлиб қолади.

Одатда ҳар бир хат, ариза ёки мурожаат ортда унинг бошқача айтганда, унинг тақдирини туррадди. Шу боис касабаси уюшмаларига келиб тушаётган шикоят, ариза ва мурожаатларга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Натижада меҳнатқашлардан тушган ёзма аризаларнинг 14 таси ижобий ҳал қилинди. Улардан 7 таси иш ҳақи ва тоовон пуллари ҳақида эди. Барчаси ундирилиб берилди. Озгаси мурожаатлар ўз жойида ҳал қилинди. Чунки касабаси уюшмаларига мурожаат қилган ҳеч бир киши хафа

тегишлича 214,2 миллион сўм сарфланди. Шундан 26 миллион сўми ёки 37 фоизи касабаси уюшмалари ҳисобидан қопланди.

Ижтимоий ҳимоя йилида бу борадаги фаолиятимиз янада кўлдан бўлмоқда. Кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга, ногиронлар, етим-есирлар, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруват» уйлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларига салкам 50 миллион, меҳнат аҳлининг 470 нафарини соғломлаштиришга 85 миллион, болаларни ёзги оромгоҳларда мазмуни дам олдиришга эса 62 миллион сўм сарфлаш мўлжалланган эди. Бу соҳада ҳам изчил иш олиб берилмоқда.

Умуман, жорий йилда амалга

Хабарлар ГУЛИСТОНДА «ГЎДАКЛАР» УЙИ

Яқинда вилоятда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига киритилган дастлабки иншоот — «Гўдаклар» уйи тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Мазкур бино Гулистон шаҳрида қад қўтарди.

Тантана иштирокчиларини «Гўдаклар» уйининг катта ёшдаги болалар гуруҳи турфа гуллар, вилоят марказидаги «Меҳрибонлик» уйининг тарбияланувчилари эса ўзларининг жозибали рақслари билан кутиб олишди. Муолажа хоналари, катта ёшдаги болалар гуруҳларига мўлжалланган шинам ётоқхоналар, уларда яратилган ажойиб шарт-шароитлар бу ерда ҳозир бўлганларда катта таассурот қолдирди. Хоналарни замонавий жиҳозлар билан таъминлаган Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига миннатдорчилик билдирилди. Батартиб қилиб эскирган ва бино кўрқига кўрк қўшган турли мевали ҳамда манзарали дарахт қўчатлари ҳадемай «Гўдаклар» уйи болакайлари каби воғга етиб, соя-салқин гўшага айланиши кўз ўнгимиздан ўтди. Уртадаги ҳовуз эса болажонларга Мирзачўлнинг жазирани ёз ойларида ҳузур-халоват бағишлайди. Саховат масканида гўдаклар 7 ёшгача парвароши қилинади ва шу ерда тарбия олишади. Айни кунда бу ерда 23 нафар бола улайяпти. Уларга 25 нафар тарбиячи, ҳамшира ва энгалар меҳр кўрсатмоқда.

ЯПОНЧА ЧОЙХЎРЛИК МАРОСИМИ

Мирзачўлнинг бугунги обод ва озод маркази Гулистон шаҳрида бир неча ойдан бўён Япония давлатининг «Жайка» ҳамкорлик маҳкамаси ибратли тадбирларни ўтказиб келяпти.

Яқинда вилоят «Маънавий тарғибот маркази»да Япония маданияти кўни ташкил қилинди. Вилоят ҳокими Абдурахим Жалолов ташаббус ташкилотчиларини самимий қўллаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга оширишда муваффақиятлар тилади.

— Шаҳрингизда шундай байрам бўлиб ютаётганидан чексиз мамнунмиз, — деди Япониянинг юртимиздаги Халқаро ҳамкорлик маҳкамаси мувофиқлаштирувчиси Хидаки Мада жаноблари. — Бизга яқиндан кўмак берган касабаси уюшмаларига, ёшлар ташкилотига ва барча ҳокимликларга миннатдорчилик билдираман.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад — иккала халқ ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маданиятлар ривожини таъминлашдан иборатдир.

Сўнгра Хидаки Мада жаноблари байрам қатнашчиларини Япония халқининг ибратли анъаналаридан бири чойхўрлик маросимига тақдир этди. Маросимда ўзаро мулоқотлар бошланди, япон миллий таомлари танаовул қилинди.

Япониялик меҳмонлар сирдарёликларга ўз маданияти, тарихи, ёшлар ҳаёти, «Жайка» ҳамкорлик маҳкамасининг серкирра фаолияти тўғрисида сўзлаб беришди.

П.ДЎСТИМОВ



«Галла-2007»



Бугун Сирдарё галлазорларида иш қизғин. Деҳқонлар пешона тери билан етиштирган галлани йигиб-териб олиш учун кечаю кундуз мардондор меҳнат қилишмоқда. Бунда, айниқса, Сирдарё тумани галлазорлари бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Суратларда: Ўзбекистон ДФХ уюшмасининг илгор комбайнчилари Нарзулла Холиқбердиев ва Олимжон Ўринбоев; галлачилик, богдорчилик, полиз ва сабзавотчилик кўргазмасида; галла ўрими пайти.

Вилоятда жами 1283 та бошланғич касабаси уюшма ташкилоти фаолият кўрсатиб келяпти. Уларнинг ҳисобида турган 200 мингдан зиёд аъзолар халқ ҳўжаларининг турли тармоқларида меҳнат қилиб, мустақиллигини, иқтисодий-иқтисодий мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшаёпти.

Вилоят бўйича жами 11258 фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинган бўлса, улардан 8144 нафар ишлаб чиқаришнинг тур-

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ли соҳаларига жойлаштирилди. Кишлоқда яшовчи ишсиз 6541 кишининг 80,3 фоизи мўкин иш ўрнига эга бўлди.

Ижтимоий ҳимоя йилининг ўтган даврида меҳнатқашларнинг барчасига қўниқарли жавоблар ва маслаҳатлар берилди.

Спортни ривожлантиришга 5,2 миллион сўм ажратилди. Натижада касабаси уюшмалари спортни вакиллари Руслан Наврўзалиев ва Владимир Черненко каби академик эшакчилар Қатар давлатида бўлган Осиё ўйинларида биринчи бўлиб Ўзбекистон байроғини кўтардилар.

лардан тушган 16 та ёзма ва 100 дан ортқ озгаси мурожаатлар назоратга олинди. Улардан 14 таси ижобий ҳал қилинди. Озгаси мурожаат-

Илгари икки дарё ораллиғида яшардик. Энди эса истиқлол туфайли поёнсиз уммонга чиқдик. Қадимги Буюк Ипак йўли орқали боғланган манзилларимиз яна тикланди. Фикримизни тасдиқловчи мисоллар беҳисоб, мамлакатимиз билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик ришталари бунинг ёркин мисолидир.

Қизил Ярим Ой жамиятининг Сирдарё вилоят бўлимига 1997 йилда асос солинди. Бундай ташкилотлар ҳозирги вақтда Бухоро, Самарқанд, Тошкент қатарида Гулистон шаҳрида ҳам фаолият кўрсатаёпти.

Бу ҳудудда кўплаб немис миллати вакиллари истиқомат қилишади. Германия давлати молиялаштириётган Сирдарё тиббий-ижтимоий марказининг мақсади нафақат маҳаллийлашган немис юртдошларимиз манфаатларига, балки ногиронлар, қаровсиз қолган ёлғиз қариялар ҳамда кам таъминланган оилаларга бегараз ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Марказда уч нафар ҳамшира — Ольга Гусейнова, Озода Мирзабекова ҳамда Эльмира Тўйчиева меҳмуриватга муҳтож, хаста кишиларга гамхўрлик кўрсатади.

Фақат шунгина эмас. Марказ ходимлари бошқа юмушлар билан ҳам машғул. Масалан, ОИТС, гиёҳвандлик, сил ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича суҳбат, учрашув, мулоқот ва амалий семинарлар ҳам ўтказиб турилади. Ҳозирги пайтда 100 нафардан зиёд немис миллати вакиллари, маҳаллий ногирон кишилардан 35 нафари марказ-

нинг доимий беминнат кўмагидан баҳраманд бўлишаёпти.

Қариялардан Антонина Макарова, Зинаида Черног-

ДУНЁ САРИ ЮЗ ТУТГАН ЮРТИМ

рова марказ ходимларининг эътибори ва ёрдамидан миннатдор. «Мадад-М» маркази, шунингдек, «Меҳ-С» стоматолог фирмаси ҳам ёлғиз ва хаста кишилардан ўзларининг бепул тиббий хизматларини аямаяпти.

Яқинда марказ муруватга муҳтож ногиронлар, қариялар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида бепул дори-дармонлар тарқатди, уларга зарур тиббий муолажалар ҳам қилинди.

Дароқе, вилоятга ҳар йили Германиядан мутахассислар ташриф буюриб, ушбу марказ амалга ошираётган

ишлар билан танишади, унга ёрдам бериш учун йўли-йўриқлар ва тегишлича маслаҳатлар беришади. Шунингдек, маҳаллий тиббиёт муассасаларига амалий ёрдам ҳам кўрсатишади.

Германияда фаолият кўрсатаётган «Фриенденздорф Интернейшн» халқаро ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Оналк ва болалик масалалари бўлими бошлиғи Жумабек Нуров ва мазкур таш-

Истиқлол берган имкон

ди. Ногирон болаларни махсус тиббий кўриқдан ўтказишди. Шундай тадбирлардан бири яқинда вилоят болалар шифохонасида ташкил қилинди. Бу жараёнда номлари юқорида зикр этилган хоржилик мутахассисларга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Оналк ва болалик масалалари бўлими бошлиғи Жумабек Нуров ва мазкур таш-

Ширин шаҳар бўлими раиси Дилнавоз Турсунова. — Улар орасида уч ярим ёшли ўз ўғлим ҳам бор. У туғма хаста ва ногирон. Илоҳим, тузалиб кетсин. Шундай хайрли ишларни ташкил қилиб бераётганлардан беҳад миннатдоримиз.

Ховос туманидан келган 14 ёшли Ситора 5 ёшлигида бахтсиз тасодиф туфайли куйиб, ўнг қўлида оғир асорат қолган экан. Хоржилик шифокорлар уни диққат қилиб текширишди, сўнгра тегишли маслаҳатлар бериб, тузалиб кетишига умид билдиришди.

Сардобалик олти нафар ногирон бола ҳам шу кўни назоратдан ўтди. Бир нафарига хоржида даволаниш учун йўланма, қолганларига эса тегишлича йўл-йўриқлар кўрсатилди. Натижаларга кўра, 3 нафар болага Германия клиникаларида даволаниш учун йўланмалар берилди.

Истиқлол берган неъмат туфайли юртимиз хоржида юзланди, имкониятлар доираси беҳисоб кенгайди. Натижада ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб бораёпти. Бундан 15-20 йил муқаддам Германия қайда-ю, Сирдарё қайда эди?!

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, «Сирдарё ҳақиқати» газетаси касабаси уюшма кўмитаси раиси

ҲОМИЙЛАР САРКОРИ

Худойкул хожи нафақат пул топади, балки жойини топиб, ишлатишни ҳам аяши биллади.

Боёвут туманига бурилишда ташландиқ ер бўларди. Майдонни юлгин, жингли ва қора шўра босиб ётарди. Шўролар даврида қишлоқ ҳўжалиги экинлари айланмасига ҳам киритилмай қолганди. Нимага десангиз, экинзор сифатида бирор-бир самара беришига ҳеч кимнинг кўзи етмасди.

Инсон қўли гул. Қаерга тегса, барака унади. У елди-югурди. Тегишли ҳўжатларни расмийлаштириб, ташландиқ майдонда қуриладиган иншоотлар лойиҳасини тайёрлатди.

Лойиҳада қишлоқ врачлик маскани, автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаси, автоуловларга техник хизмат кўрсатувчи устaxonа, дорихона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш кўзда тутилган эди.

Бугунги кунда Худойкул хожи Раҳмонбердиев ҳаёлотда пилган лойиҳа амалиётга айланди. Қишлоқ ёнида аҳоли огирини енгил қиладиган мажмуа барпо этилди.

Эндиликда қишлоқ ахли дори-дармон излаб, шаҳарма-шаҳар кезмайди. Мажмуадаги дорихона ходимлари уларга намунали хизмат кўрсатишяпти. Авто-

Хожи ака эса аҳоли саломатлигини ўйлаб, шифохона курди ва қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келяпти.

— Худойкул хожи ушамамиз фахри, — дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё бўйича

вакили Раънохон Абуолимова. — Ҳаммамиз унинг тадбиркорлигига, саховатпешалигига қўйил қола-миз. Айниқса, жамоатчилик ҳаётида фаол қатнашади. Касаба уюшмага аъзолик бадаллари тушумини шахсан ўзи назорат қилади. Бирорта юмуш юзасидан мурожаат қилсак, ҳеч қачон йўқ демайди.

Вилоятда яқинда яна бир хўшхабар тарқалди. Х.Раҳмонбердиев маҳалла ахлига тез тиббий хизмат кўрсатишни ахиллаш мақсадида Боёвут туманига бурилишда қишлоқ даволлаш масканига ўзининг шахсий маблағига харид қилинган «Дамас» русумли автоуловни совға қилибди.

П.ПИРИМКУЛОВ

Ижтимоий ҳимоя йилида

Уттан йилги касаб уюшма спортчилари Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишган эди. Амалдаги йилда ҳам касаб уюшмалари спортчи вакиллари эришган муваффақиятлар чакки бўлмапти. Яқинда гулистонлик Орзубек Шоимов билан учрашдик.

ОРЗУБЕК — ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

— Орзубек, хаваскор боксчилар ўртасида Осиё қитъаси чемпиони деган шарафли номига сазовор бўлгансиз. Бундан ташқари, XV Осиё ўйинларида иштирок этгансиз, қатор халқаро мусобақалар ғолибисиз. Айтинг-чи, боксга қизиқиш сизда қачон бошланган?
— Гулистон шаҳрида вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидоги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби узок йиллардан бери фаолият кўрсати келади. Илгари бу даргоҳдан кўзга кўринган бирорта спортчи чиқмаган. Ҳозирги вақтда эса мактаб армистрлинг бўйи-

ча бир марта Осиё, 5 карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов, кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Раҳима Юнусова ва бошқа битирувчилари билан ҳақиқатини равишда фахрланади. Ҳаммаси мустақиллик шарофатидан. Чунки фақат миллий истиқлолдан кейингина мазкур спорт мактабининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.
Қитъа чемпиони бўлганим учун эса аввало моҳир мураббий Виталий Стариковдан беҳад миннатдорман. Дастлабки машғулотларни бошлаганимда эндигина 10 ёшда эдим. Кейинги ҳаётим пойтахтимиздаги Олимпия захиралари коллежи билан чамбарчас болганим.
Биринчи ютуғим ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати билан боғлиқ. Шундан сўнг мамлакат терма жамоаси таркибига аъзо қилиб олишди. Бу ерда эса рақобат жуда кучли, ғолибчиликнинг ўзи бўлмади. Модомки, мён бунга эришган эканман, мураббийим Маҳкам Маҳмудовнинг хизматлари катта.

Бироқ ютуқлар чегара эмаслигини унутган спортчи панд ейиши аниқ. Демокриманки, ютуқлар спортчиға янада катта масъулият оқлайди. Касаб уюшмаларига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам, республика Олимпия захиралари коллежида ҳам биз тарбияланувчиларни шундай руҳ ва ишонч билан вояга етказишган. Энди эса уни оқлаш керак.
Бу ҳақда Орзубекнинг устоз-



Армистрлинг бўйича бир марта Осиё, 5 карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов

лари фикрларини олдик: Улар шогирдининг 2005 йили Украина Республикасининг Львов шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро турнирда 5 та «жанг»да иштирок этиб, иккинчи ўринни кўлга киритганлиги, орадан кўп вақт ўтмай, Донецк шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақаларда ғолиблик шохсупасига чиққанида ҳақиқатини тўқилганини гапирарди.

Навбатдаги марра қўшни Козонинг Республикасининг Талдиқўрғон шаҳрида эгалланди. Халқаро турнир унга яна омад келтирди, «Энг яхши боксчи» деб топилди. Сўнгра аъло кайфиятда Покистонга йўл олди ва Осиё чемпиони бўлди.

— Юртимизда мунтазам ўтказиб келинаётган аънанавий «Ўзбекистон Мустақиллик кубоғи» учун турнири, мамлакатимиз талаба-ёшларининг «Универсиада-2007» ўйинлари финал босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.
— Талаба-боксчи сифатида ўзим таҳсил олаётган Гулистон Давлат университетини шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўз бурчим, деб биламан. Кейин эса Европада бўладиган жаҳон чемпионатиға бораман. Мазкур халқаро турнирда 2008 йили Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтказиладиган Олимпиядаға йўланма олиш учун «жанглар» бўлади. Ишончим комил, ушбу Олимпия ўйинлари йўланмасини кўлга киритиш учун каттиқ курашаман.

— Мустақил юртимизда ташкил этилаётган аънанавий спорт мусобақаларида мунтазам ишти-

рок этиб келмоқдаман. Масалан, «Ўзбекистон Мустақиллик кубоғи» турнири ҳақиқий спортчи сифатида камолға етишимизда чинакам чиниқиш мактабига айланди. Ватандошларим олқиши, қўллаб-қувватлаши менга илҳом бағишлайди, кучимға кўч қўшилади.

— Маълумки, мамлакат олий ўқув юрталари талаба-ёшларининг «Универсиада-2007» ўйинлари финал босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.
— Талаба-боксчи сифатида ўзим таҳсил олаётган Гулистон Давлат университетини шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўз бурчим, деб биламан. Кейин эса Европада бўладиган жаҳон чемпионатиға бораман. Мазкур халқаро турнирда 2008 йили Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтказиладиган Олимпиядаға йўланма олиш учун «жанглар» бўлади. Ишончим комил, ушбу Олимпия ўйинлари йўланмасини кўлга киритиш учун каттиқ курашаман.

— Бугунги кунда, — деди Равазон, — касаб уюшма кўмитаси тасвириниға биноан ўқув маркази билан шартнома тузди. Умуман касаначилик билан машғулман. Тайёрлаган кийимларим ўқув марказининг савдо дўконига сотилаяпти.
— Даромад яхши бўлаётгани?
— Биноидек, қозоним қайнаб турибди. Мухими шундаки, ишис деган маломатдан қўтилдим. Касаб уюшма ёрдамида менға меҳнат дафтариға ҳам очилди. Энди фақат ишламоқчи керак. Ишламаган тишламайди, деб беҳуда айтишмайди-ку.
Марказинг тарихиға қизиқдик. 2006 йилда мазкур ўқув маскани Сирдарё тумани «Матлубот-савдо» ташкилотига қарашли бўлган университет биносини ижараға олади. Унинг бир қисмида ўқув маркази ташкил қилиниб, дастлабки ўқув машғулотлари шу ерда бошланди. Мухташам иморатнинг иккинчи бўлагига эса маҳсулотлар билан савдо қиладиган дўкон очилди. Бундан ташқари, кийим-кечаклар ҳам тикилади. Амалдаги йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида сотилган маҳсулотлардан тушган маблағ 5 миллион сўмни ташкил этди.
Дастлаб ўқув марказини 5 нафар киз битириб чиқди. Уларнинг баъзилари ўзимизда ҳозирги пайтда фаолият юритишяпти.

— Сизға омад ёр бўлсин.
Кахрамон КҲННОЗОВ



Кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Раҳима Юнусова

Авлодлар учрашуви

Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деб бежиз айтишмайди. Чунки ёш авлод аждодлар хотираси бешигда улғаяди, камол топади. «Уч қаҳрамон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида жойлашган иккита ўқув маскани — Гулистон тумани иқтисодий касб-хунар коллежи ва Алишер Навоий номида 2-ўрта умумтаълим мактабида бўлиб ўтган уч авлод учрашуви ушбу фикрнинг тасдиғига айланди.


ФАХРИЙЛАР ИБРАТИ — ЁШЛАР ҚУДРАТИ

Ҳаяжонли учрашувға иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — Польша давлатининг фахрий фуқароси, фалсафа фанлари номзоди, иқтисод фанлари доктори, шу хўжалиқда вояга етган шoir ва адиб, профессор Исомиддин Эрбўтаев, шунингдек, Тошкент шаҳридан Абдулла Абдуқосимов, Қарим Умаровлар ташриф буюришди.
Тадбирда Мирзачўлдан жангхоҳларға отланган Солижон ота Қаримов, Абдулатифов бобо Абдуҷабборов, меҳнат фахрийси Лолахон Эрбўтаевлар иштирок этишди. Нуронийлар ёшларға асрий чўлини боғроқларға айлантириш машаққатлари ҳақида сўзлаб беришди.
Мактаб ўқувчилари ўзларининг «Қадрдон киши» кўшигини кўйлаб, фахрийларни хушнуд этишди, рақсларға тушишди ва саҳна кўришини намойиш этишди.

Нуронийлар вояға етиб келаятган ёш авлодни аъло ўқишға, мустақил Ватан манфаатларини муносиб ҳимоя қилишға ҳар бир ёш ўзини тайёрлашға, муҳими, она юрт қадриға, жамиятимизнинг баркамол авлоди бўлиб вояға етишға давват этишди.
Тарихдан юз ўгириб бўлмайди. Қадимда бу хўжалик худуди қамишзор-у тўқайзор бўлган. «Беш қапа» деган қишлоқ ҳам шу хўжалик худудида кўним топган.
Ҳа, нурили эртамининг эгаларига улкамиз тарихини қанчалик чуқур аңглатмасан, умидимиз ҳам шунчалик чуқур илдиз отади. Илдизи бақувват дарахт эса кўпроқ ҳосил беради, узокроқ яшайди.
Ёқубжон МАДАМИНОВ, Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Гулистон туман кенгаши раиси

ЙўЛЛАР ХАВФСИЗ, КЎНГИЛТИНЧ

Шундай касб эгалари борки, улар кечаю кундуз, кишу ёз демай, ўз вазифасини сидқидилдан адо этишадди. Сарҳадлар даҳлисини, юрт осийишталарини таъминлашға муносиб ҳисса қўшаётган ИИБ ЙХХБ ходимлари меҳнати шу боис таҳсинға сазовор.
«Сардоба» ИПХ маскани энг серкатор худудға жойлашган. Шунинг учун соҳа ходимларидан ўта хушёрлик ва зийраклик талаб қилинади.
Суратда: Сирдарё вилоят ИИБ ЙХХБ 3-сафарбар гуруҳи ИПХ катта инспектори, капитан Уткир Ҳакимов, катта сержантлар Тўлкин Бўронов ва Иброҳим Ҳайтов.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Утган йили меҳнат аҳлининг 470 нафари соғломлаштирилиб, уларға 85 миллион сўм сарфланган бўлса, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида 600 нафарға яқин ходимларни соғломлаштириш, уларға касаб уюшмалари ва хомийлар хисобидан 95 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маблағ ажратиш мўлжалланган.
Касаб уюшмалари ташкилотлари хомийлиги билан иккинчи жаҳон уруши, байналмилалчи-фахрийлари ва Чернобил ҳалокати оқибатларини тугатиш иштирокчиларидан 253 кишини бепул соғломлаштириш режалаштирилган. Ҳозирғача улардан 174 киши ўз саломатлигини тиклаб қайтди.

Гулистон санъат коллежида жами 78 нафар ўқитувчи, салкам 400 нафар ўқувчи-ёшларға мусиқа ва санъат сирларини ўргатмоқда.

Агарда деҳқон ўз меҳнати мевасидан бир йилнинг ўзида баҳраманд бўлса, ўқитувчи бундай бахт-саодатға камиди 15-20 йилда эришадди. Истиқлол эса бу ҳикматға маълум даражада тузатиш киритди. Аънанавий кўрик-танловлар, фестиваллар, санъат байрамлари коллеж ўқитувчилари ва касаб уюшма ташкилоти учун ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтаяти.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ижтимоий жаҳон йиллиға бағишлаб «Болаларимиз» — санъатимиз келажиги» шiori остида Республика халқ чолғулари дасталари ва оркестрларининг VI фестивали бўлиб ўтди. Унда Гулистон санъат коллежимиз жамоаси ҳам иштирок этди.
Мусиқа байрами Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, «Сен етим эмассан», «Соғлом авлод учун» жамғармаси, вояға етмаганлар билан ишлаш бўйича ҳукумат ишляси, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг оркестр дирижёрлик кафедраси ҳамда «Сўғдиёна» Давлат халқ чолғулари

Касаначилик

Иқтисодий ривожланса, жамият ҳам раванқ топади. Бунда, шак-шубҳасиз, касаначиликнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Сирдарё вилоятида бу масала қандай амалға ошириляпти?
Мазкур саволға жавоб излаб, Сирдарё шаҳридаги «Ганжина Мохинур» ўқув маркази ва ишлаб чиқариш фирмаси касаб уюшма ташкилоти етакчиси Махбуба ҚУРБОНОВАни суҳбатта тортидик.

— Ун марта эшитгандан кўра, — деди Махбуба Қурбонова, — бир марта кўрган маъқул. Мисол учун мана Равазон Сунатовани олинг. Ёши бир жойға бориб қолган бўлса-да, бизнинг ўқув марказимизға келди. Моҳир усталардан биши ва тикиш ҳадисини олди. Истасангиз ўзи билан суҳбатлашингиз мумкин.
Бу албатта, яхши тақлиф эди ва биз ҳам шундай қилдик.

ўрганишға иштиёқи баланд ёшларнинг қўшни вилоят ва туманлардан ҳам излаб келишяптанидан излаб олиш мумкин. Масалан, Шаҳноза Иноятова қўшни Сайхунбод туманидан келиб ўқиди, касб ўрганди. Эндиликда ўз тумани маркази бўлган Сайхун аҳоли қўрғонида бизнес фаолиятини муваффақиятли юритишяпти.
Мазкур марказда хунар ўрганган Любовь Ткаченко пойтахт Тошкент шаҳрида,

қўшимча иш ўрни яратиб бердик. Касаначилик билан шуғуллана-япти.
— Айтишларича, илгари «Ганжина» номи хусусий фирмангиз фаолият кўрсатган. Қасодға учраши сабаблари нимада?
— Қизимнинг саломатлиги оғирлашиб, фирма фаолиятини юритишға вақт тополмадим. Кейин ташвишларим ортда қолди. Қизим соғайиб кетди. Ҳозирги ўқув марказини ташкил қилдим. Унга Нодира Қурбонова раҳбар бўлди. Каминга эса иш юритувчиларни танладим.
Суҳбатта Нодирахонни чорладик.
— Марказни оёққа турғазини, касаначиликнинг ривожлантириш хамирдан қил суғурган-

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ, ҚОР ҲАМ ЁНАДИ

— Бугунги кунда, — деди Равазон, — касаб уюшма кўмитаси тасвириниға биноан ўқув маркази билан шартнома тузди. Умуман касаначилик билан машғулман. Тайёрлаган кийимларим ўқув марказининг савдо дўконига сотилаяпти.
— Даромад яхши бўлаётгани?
— Биноидек, қозоним қайнаб турибди. Мухими шундаки, ишис деган маломатдан қўтилдим. Касаб уюшма ёрдамида менға меҳнат дафтариға ҳам очилди. Энди фақат ишламоқчи керак. Ишламаган тишламайди, деб беҳуда айтишмайди-ку.
Марказинг тарихиға қизиқдик. 2006 йилда мазкур ўқув маскани Сирдарё тумани «Матлубот-савдо» ташкилотига қарашли бўлган университет биносини ижараға олади. Унинг бир қисмида ўқув маркази ташкил қилиниб, дастлабки ўқув машғулотлари шу ерда бошланди. Мухташам иморатнинг иккинчи бўлагига эса маҳсулотлар билан савдо қиладиган дўкон очилди. Бундан ташқари, кийим-кечаклар ҳам тикилади. Амалдаги йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида сотилган маҳсулотлардан тушган маблағ 5 миллион сўмни ташкил этди.
Дастлаб ўқув марказини 5 нафар киз битириб чиқди. Уларнинг баъзилари ўзимизда ҳозирги пайтда фаолият юритишяпти.

Гулноза Турдиқулова эса Жиззах вилоятининг Туркистон тоғ тизмалари этагидоги Зомин туманида хунармандчилик ва тикувчилик билан шуғуллана-япти. Қувончи томини шундаки, бундай тадбиркорлар сафи касаб уюшма ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги тўғриси тобора кенгайиб бора-япти.
Ҳозирги пайтда яна 20 нафар киз ўқув марказида касб-хунар ўрганмоқда. Марказининг туман меҳнат бўлими ва тадбиркорлар касаб уюшмасининг тумандаги вакилчилиги билан алоқалари мустаҳкам асосға қўйилганлигиға ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг ўқув марказини молиявий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб тургани самараси ўларок, касб-корсиз ёшлар гулдай хунар соҳибни бўлишяпти.

— Утган йили Республика хотин-қизлар кўмитасининг қўллаб-қувватлаши натижасида марказимиз «Микрокредитбанк»нинг Сирдарё филиалидан 5 миллион сўм миқдорда кредит олишға эришдик. Бу пулга тикув машиналари ва компьютер харид қилдик. Қарзимизни эса ойма-ой узиб бора-япти. Чунки касаначилик натижасида тайёрланган маҳсулотларимиз сотилаяпти, бинойидек даромад келиб тушяпти.
Ҳозирги пайтда Сирдарё шаҳридаги ўқув маркази раҳбарияти ва ходимлари кўрик вилоятимизнинг чекка қишлоқ ва туманларига ҳам юриш бошламоқчи бўлиб туришди. Демак, касаначилик истиқболи Сирдарё воҳисиди янада порлоқ.
Махбуба Қурбонovanинг кўйидаги фикри, аиниқса, маъқул тушди. — Менға колса, нафақат Сирдарё вилоятида, балки бошқа вилоятлар ва ҳатто Тошкент шаҳрида ҳам хунарманд ва касаначилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар савдосини йўлга қўйиш мақсадиди алоҳида бозорлар ташкил қилган бўлардим. Ҳозирги буюм бозорларини асосан олиб сотарлар эгаллаб олишган, одмигина тикилган хунармандчилик буюмларини арзон нархларда сотиб, ҳақиқий усталарнинг дастуруниға келадиган файз-баракани қочиршяпти.
Иш биланга — минг танга, деган нақл бежиз айтилган эмас. Интилган одамнинггина чўнтаги жарақ-жарақ пулга тўлади. Қани энди ҳамма ҳам хунарли бўлса... Турмушимиз янада фаровон бўларди.

Мамадали АХМЕДОВ ёзиб олди.

Бугунги ёшлар

Хусусан, Гулистон шаҳар болалар санъат мактаби оркестри ва Санъат коллежининг халқаро танловлар лауреати х халқ чолғулари оркестри чини қишлари ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Иккала камер оркестри томонидан ташкил қилинди. Фестивал Республика Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошидаги ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, «Евробизнес» компанияси ва таниқли тад-

камер оркестри томонидан ташкил қилинди. Фестивал Республика Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошидаги ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, «Евробизнес» компанияси ва таниқли тад-

аси хомийлар томонидан муносиб тақдирланди. Шаҳар болалар санъат мактабининг халқ чолғулари оркестри эса умумий қиймати бир миллион сўм турадиган замонавий янги мусиқа асбоблари жамланмаси билан мукофотланди.
Шарифжон ЖУМАЕВ, Гулистон шаҳар санъат коллежи касаб уюшма кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

САНЪАТГА ОШУФТА ҚАЛЬЛАР

бирок Абдумалик Мадраимов хомийлик қилди.
Фестивал икки кун давом этди. Дастурға биноан унда Тошкент вилояти ва шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятларидан жами 25 та профессионал, мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда мактаблари, болалар бoғчалари ва Маданият саройларининг ижодий жамоалари иштирок этишди.
Мусиқа ва санъат байрамида оркестрлар иштирокида жажон мусиқа санъатининг дурдоналари янгради. Шунингдек, республикамиз бастакорларининг мусиқий симфониялари, увертюралари, романслари, балетлардан парчалар ижро этилди.

жамоаға ҳам «Соғлом авлод учун» ордени соҳибни, коллежимиз касаб уюшма кўмитаси аъзоси, мусиқа йўналишлари кафедраси мудири Наил Баҳодиров дирижёрлик қилди ва зиммасидаги масъулиятли вазифани зўр маҳорат билан бажарди.
Кези келганда «Сўғдиёна» Давлат халқ чолғулари камер оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Республикада хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг оркестр дирижёрлиги кафедраси мудири,

Кўш саҳифани «Ishonch» муҳбирлари Фулом ЮСУПОВ ва Ишрақ ДЎСТМАМатовлар тайёрлашди

Нодавлат сектор

ЗАМОНГА МОСЛАШИБ

келиб чиқиб, муҳтож инсонларға ердан кўрсатилмоқда. 40 дан ортиқ кам таъминланган оилаларға кўмак берилди. Гулистон шаҳридаги «Туркистон» қўшма корхонаси 27-сонли «Меҳрибонлик» уйиға 300 минг сўмлик, Сардоба туманидаги Қўрғонтепа мол бозори маъмурияти ва касаб уюшмаси Хотин ва қадрлаш кўни муносабати билан фахрийларға 50 минг сўмлик ердан кўрсатди. Бундай савобли ишларни кўплаб келтириш мумкин.
Тармоқ касаб уюшмаси ва бошланғич ташкилотларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси нодавлат секторда меҳнат қилаётган ҳар бир тадбиркорни қўллаб-қувватлашдир. Йил бошидан бери 16 та хусусий корхонада бошланғич касаб уюш-

ма кўмиталари ташкил этилди. 200 нафардан ортиқ киши касаб уюшма аъзосиға қабул қилинди. Вилоятимиз аграр соҳадан санюати ривожланган худудға айланиб бормоқда. Бугунги кунда тармоқда қўллаб хусусий қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Янги иш ўринлари ташкил қилиниб, ёшлар иш билан таъминланмоқда. Шунинг учун вилоятимиз келажигини тадбиркорлар меҳнати билан белгилаш ўринлидир.
Иргашкул БҲРИЕВ, Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаб уюшма Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича вакили

